

**ҚЎҚОН ШАҲАР “ДЕҲҚОН БОЗОРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ**

Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти,
Қўқон шаҳри, Фурқат кўчаси 100-уй

29.06.2026-йил.
соат 15:00.

Жамият томонидан чиқарилган жами оддий акциялар сони	- 48.797 дона.
Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар сони	- 46.825 дона.

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган, мазкур йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядор (акция)лар сони – 41.020 дона, шундан
Қўқон шаҳар ҳокимлиги - 24.887 дона акция - 53,14 % овоз билан;
“YULINTER” МЧЖ - 16.133 дона акция - 34,45 % овоз билан;

Рўйхатдан ўтган акциялар улуши жами овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг 84,59 % ташкил этди. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кворумга эга.

Йиғилиш раиси: Курбонов Отабек Худойшукурович (Қўқон шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, 2026 йил 29 июнь кунги №RUX2683 (ҳужжат коди: NL39843331)-сонли ишончномага асосан 24.887 дона акция - 53,14 % овоз билан);

Йиғилиш котиби: М.М.Арипов.

Таклиф этилганлар:

Жамият бошқаруви раиси Н.М.Ашурбаев, бош ҳисобчи Б.И.Далиев.

Кун тартиби:

1. 2025 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботи ва қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш.
2. 2025 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. 2025 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб-варағини тасдиқлаш.
4. Ташқи аудитор хулосасини тасдиқлаш.
5. 2025 йил якуни бўйича жамият соф фойдасини тақсимлаш.
6. 2026 йил учун жамият Бизнес-режа ҳамда даромад ва ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш.
7. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
8. Жамиятнинг 2026 йил молия-хўжалик фаолияти учун (Давлат харидлари Қонуни “Е-Харид платформаси” асосида танлаб олинган) ташқи аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш.
9. Жамият фаолиятида Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини тасдиқлаш.
10. Жамият томонидан (айланма маблағларини шакллантириш учун) АТ “Алоқа банк” Қўқон ҲҚХКМдан имтиёзли шартларда (уч йил муддатга, йиллик 26%-28% фоизли) 1,5 млрд. сўм миқдоригача кредит маблағини жалб қилиш ва йирик битим тузиш бўйича қарор қабул қилиш.

Сўзга чиқдилар:

Йиғилишда қатнашган Қўқон шаҳар “Деҳқон бозори” АЖ акциядорлари томонидан йиғилиш раиси этиб бир овоздан Қўқон шаҳар ҳокимлигининг ишончли вакили О.Х.Курбоновни сайлашди. Йиғилиш раиси О.Х.Курбонов акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига келган акциядорларни рўйхатга олиш натижалари билан таништириш учун сўзни саноқ комиссиясининг раисига берди.

Саноқ комиссиясининг раиси йиғилишда умумий 46.825 та овозга эга бўлган 26 та акциядорлардан 41.020 та овозга эга бўлган 2 та акциядор қатнашаётганлигини маълум қилди. Бу умумий овозлар сонининг 84,59 %ини ташкил қилади. Қонунчиликда белгиланган тартибга асосан кворум мавжудлиги сабабли умумий йиғилишни очиш бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш раиси О.Х.Қурбонов сўз олиб, йиғилиш раёсатини, котибиятини ва саноқ комиссиясини сайлаб олишни таклиф этди.

Жамият акциядорлари йиғилиш раёсатини 2 (икки) кишидан иборат таркибда сайлашни ва раёсатга жамият акциядори Қўқон шаҳар ҳокимлиги вакили О.Х.Қурбонов ва жамият бошқаруви раиси Н.М.Ашурбаевларни сайлашни таклиф қилди. Йиғилиш қатнашчилари томонидан раёсат аъзолари бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни қайд қилиш ва йиғилиш баёнини юритиш учун йиғилиш котибиятига М.М.Арипов бир овоздан тасдиқланди.

Жамият Кузатув кенгашининг 08.06.2026 йил 04-сонли мажлис баёнида Хошимова Махоратхон, Кадирова Маликахон ва Якубжанова Мамурахондан иборат умумий йиғилиш саноқ комиссияси ташкил этилган эди. Саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва комиссиянинг ушбу шахслардан иборат таркибини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ҳамда бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш раиси Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди ва умумий йиғилишининг қуйидаги регламентини таклиф қилди. Кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачи Н.М.Ашурбаевга – 10 (ўн) дақиқагача, қолган масалалар бўйича маърузачиларга – 5 (беш) дақиқагача ва музокараларда сўзга чиқувчиларга ҳам 5 (беш) дақиқагача вақт беришни, йиғилишни танаффуссиз 1 (бир) соат ичида якунлашни таклиф қилди ва ушбу таклиф йиғилиш қатнашчилари томонидан маъқулланди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишга ўтилди.

Кун тартибининг биринчи масала юзасидан йиғилиш раиси О.Х.Қурбонов ҳисобот бериш учун сўзни жамият бошқаруви раиси Н.М.Ашурбаевга берди.

Н.М.Ашурбаев жамият Кузатув кенгаши томонидан ҳисобот йилида чақирилган ва ўтказилган акциядорлар умумий йиғилишлари, кенгаш мажлислари, уларда кўрилган масалалар, қабул қилинган қарорлар тўғрисида тўхталиб ўтди. Шунингдек маърузачи томонидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ўз вақтида бажариш мақсадида Кузатув кенгаши томонидан кенгашнинг йиллик иш режаси тузилганини, чора ва тадбирлар ишлаб чиқилганини, кенгаш номига тушган хатлар ва мурожаатларга ўрнатилган тартибда, ўз вақтида жавоблар берилганини ҳам айтиб ўтди. Ҳисоботчи томонидан жамият акциядорларининг умумий йиғилишини чақириш, уни ўтказиш бўйича Кузатув кенгаши йиғилишларида тегишли қарорлар қабул қилинганлиги таъкидлаб ўтилди (*Маъруза матни илова қилинади*).

Муҳокамадан сўнг **“Кузатув кенгаши ҳисоботи ва 2025 йилдаги қарорлари тасдиқлансин”**, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибининг иккинчи масала юзасидан йиғилиш раиси ҳисобот бериш учун сўзни жамият бошқаруви раиси Н.М.Ашурбаевга берди.

Жамият бошқаруви раиси Н.М.Ашурбаев ўз ҳисоботида 2025 йилда тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилишида, унинг асосий кўрсаткичлари, олинган соф фойда ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумат қарорлари ва топшириқларининг бажарилиши ҳақида ахборот берди.

Жумладан, жамият 2025 йилда қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)ни тўлашлигини ҳисобга олиб, йил давомида умумий тушум (ҚҚСсиз) **6 630 639,82 минг сўм**, фойда солиғини тўланганга қадар фойда **1 063 122,40 минг сўм**, фойда солиғи **168 458,43 минг**

сўм, олинган соф фойда миқдори 894 663,97 минг сўмни ташкил қилганлигини айтиб тушунтириш берди.

2025 йилда тасдиқланган бизнес-режа бўйича 37 031,0 минг сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлсада, амалда 894 663,97 минг сўм бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилишига эришилган (*Бошқарув раисининг ҳисоботи илова қилинади*).

Йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан музокарага чиққан йиғилиш раиси О.Х.Курбонов ўз фикр мулоҳазаларини билдириб, банк кредит тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ҳамда дебитор ва кредитор қарздорликларни бартараф этиш кераклигини айтиб ўтди.

Муҳокамадан сўнг “Жамият бошқарувининг 2025 йил учун ҳисоботи тасдиқлансин”, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибининг учинчи масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси Б.И.Далиев сўзга чиқиб, жамият 2025 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича йиллик ҳисобот, бухгалтерия баланси (форма №1), молиявий натижалар (форма №2), фойда ва зарарлар ҳисоб-варағини батафсил йиғилиш қатнашчиларига тушунтириб ўтди, бу ҳисоботлар ўз вақтида тегишли давлат ташкилотларига топширилганлиги ва аудиторлар томонидан ҳам тўғри ҳисобланганлиги бўйича тушунтириш берди. (*Корхона бухгалтерия баланси, форма №1, молиявий натижалар ҳисоботи, форма №2, ташқи аудит хизматининг ҳисобот ва хулосаси илова қилинади*). Сўнг акциядорлардан 2025 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича тузилган жамият бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги йиллик ҳисоботини тасдиқлашни сўради.

Муҳокамадан сўнг “Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи тасдиқлансин”, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибининг тўртинчи масала юзасидан жамиятнинг бош ҳисобчиси Б.И.Далиев сўзга чиқиб, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг (аудитор: Сулаймонов Зафарали Мамаюнович) 2026 йил 10 апрель кунги мустақил аудиторлик хулосаси (молиявий ҳисобот аудит натижалари бўйича) билан таништирди. Унга мувофиқ Қўқон шаҳар “Дехқон бозори” АЖнинг 2025 йилдаги фаолиятини аудит стандартларига асосан ўгирилган аудиторлик текшируви ва хулосасини муҳокама қилишда акциядорлик жамияти фаолиятини таҳлилий кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ҳисоботларни тақдим қилганлигини айтиб ўтди (*Аудит хизматининг ҳисоботи ва хулосаси илова қилинади*). Сўнг “аудит хизматининг ҳисоботини тасдиқласин” деган қарорга бюллетенлар орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибининг бешинчи масала юзасидан музокарага чиққан бош ҳисобчи Б.И.Далиев, жамиятнинг 2025 йилда олинган 894 663 970 (саккиз юз тўқсон тўрт миллион олти юз олти миш уч минг тўққиз юз етмиш) сўм соф фойда тақсимланиши, “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2026 йил 10 апрель кунги №02/09-1-17/1539-сонли хатига асосан давлат улуши бўйича дивидендларни ўз вақтида ҳисобланиши ва тўланишини таъминлаш белгилангани, бундан ташқари (аудиторлик ташкилотининг берган хулосаси билан тасдиқланган) соф фойдани Кузатув кенгашига бошқарув томонидан тақдим этилган таклифи асосида қуйидагича тақсимланиши акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши тасдиғига киритиш белгиланган эди. Жамият Кузатув кенгаши соф фойдани қуйидагича тақсимлаш тавсиясини ишлаб чиқди:

Дивидендларга - 50% (447 331 985,0 сўм);
Жамият заҳира фондига - 5% (44 733 198,5 сўм);
Бозорни ривожлантиришга - 45% (402 598 787,0 сўм);

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Акциялар	Бир дона	Жами	Соф
-----	-------------------	----------	----------	------	-----

№		сони	акцияга ҳисобланган дивиденд суммаси	ҳисобланган дивиденд суммаси (сўм)	фойданинг фоиз (%) қисмида
1.	Дивиденд тўловига жами бўлиб:	46.825	Ҳар бир оддий акция учун 9553,27 сўмдан	447 331 985,0	50,00
	Реестрга киритилмаган:	1.972			
Шундан					
1.1.	Қўқон шаҳар ҳокимлиги улуши бўйича	24.887	-	237 752 230,5	51,00
1.2.	Қолган акциядорлар улуши бўйича	21.938	-	209 579 754,5	49,00
1.3.	Реестрга киритилмаган акциялар бўйича	1.972	-	0,0	0,00
2.	Жамият заҳира фондига:	-	-	44 733 198,5	5,00
3.	Бозорни ривожлантиришга:	-	-	402 598 787,0	45,00
ЖАМИ:		48.797	-	894 663 970	100,00

Дивидендлар тўлови акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори қабул қилган кундан бошлаб 60 кун ичида, юридик шахс-акциядорларига ҳисобот-варақларига пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахс-акциядорларига банк пластик карталар, омонат дафтарчалари, акциядорларнинг ёзма аризасига кўра коммунал ва бошқа тўловларга пул ўтказиш орқали амалга оширилади. Сизлардан ушбу тақсимотни тасдиқлаш учун овоз беришингизни сўрайман.

Муҳокамадан сўнг **“2025 йил якунлари бўйича жамият соф фойдасини тақсимлаш юқоридаги тартибда амалга оширилсин”**, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибининг олтинчи масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси Б.И.Далиев сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2026 йилга белгиланган бизнес-режаси Кузатув кенгашининг 2025 йил 14 ноябрь кунги №3-сонли мажлисида кўриб чиқилиб, жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида тасдиқлаш учун маъқулланган.

Йиғилиш раиси О.Х.Қурбонов бизнес-режа тузиш талабларига кўра 2026 йил даромад ва ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш масаласида тайёрланган бизнес-режада соф фойда миқдорини Кузатув кенгашининг йиғилишида танқидий кўриб чиқилганлигини, соф фойдани кўтариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқирилишини ва келажакда яна ҳам юқори фойдаларга эришишни режалаштирилиши, 2026 йилда соф фойда режасини 480 275,0 минг сўм этиб белгиланаётганлигини айтиб ўтди.

Муҳокамадан сўнг **“Жамиятнинг 2026 йил учун бизнес-режаси ҳамда даромад ва ҳаражатлар сметасида соф-фойдани 480 275,0 минг сўм режалаштирилсин ва тасдиқлансин”**, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибининг еттинчи масала юзасидан йиғилиш раиси О.Х.Қурбонов сўзга чиқиб, Қўқон шаҳар “Деҳқон бозори” АЖнинг Кузатув кенгаши таркиби белгиланган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланган, лекин ҳозирда (бугунги кунда) асосий иш жойида меҳнат шартномаси бекор бўлган ва юклатилган вазифадан озод қилишни сўраб мурожаат этган М.У.Рашидов ҳамда уч йилга сайланган ва муддати якунланаётган кенгаш аъзоси И.Ташбаевлар ўрнига сайлаш учун янги номзодлар таркиби акциядорлар томонидан киритилган.

Жумладан, "YULINTER" МЧЖнинг 15.01.2026 йилги №02-сон хатига асосан Д.Ташпулатов номзоди ("YULINTER" МЧЖнинг раҳбари); "Фарғона вилояти деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари уюшмаси"нинг 23.02.2026 йилги №20/11-сон хатига асосан И.Ташбаев номзоди ("ФВДБваСКУ" раҳбар ўринбосари); Қўқон шаҳар ҳокимлигининг 26.05.2026 йилги №02-02/2860-сон хатига асосан шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари - О.Х.Қурбанов (О.Мингбаев ўрнига) ва шаҳар ҳокимлиги мутахассиси - Х.Мадалиев (М.Рашидов ўрнига) номзодлари таклиф этилган.

Кенгаш аъзолигига сайлаш учун кўрсатилган номзодлар рўйхати қўлларингиздаги овоз бериш бюллетенларининг иловасида келтирилган номзодларга куммулятив овоз берилиши ҳамда ушбу номзодлар кузатув кенгаши таркибига сайланишини айтиб ўтиб, номзодлар ҳақида (Ф.И.Ш. ва иш жойи) маълумот бериб ўтди.

Кун тартибининг саккизинчи масала, 2026 йилда жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти яқунларини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича ташқи аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш.

Йиғилиш раиси О.Х.Қурбанов жамиятнинг 2026 йилдаги молия-хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш юзасидан қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан таклифлар тушганлигини айтиб ўтди:

"ELITE INVEST RENOME AUDIT" МЧЖ (13.05.2026 йил №04-сон алоқа хати) – 12,0 млн. сўмлик тижорат таклифини берган;

"AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK" МЧЖ (13.05.2026 йил №06-сон алоқа хати) – 8,0 млн. сўмлик тижорат таклифини берган;

"LEKSAN INFO" МЧЖ (15.05.2026 йил №07-сон алоқа хати) – 10,0 млн. сўмлик тижорат таклифини берган.

Мажлис раиси йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2026 йил фаолиятини аудит текшируви учун тўланадиган ҳақнинг миқдори ва ўз таклифини киритган аудиторлик корхоналар тажрибасини инобатга олиб, кўпчилик акциядорлар ва корхона мутахассисларини фикрлари асосида 8,0 млн. сўм тижорат таклифи билан қатнашаётган "AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK" МЧЖ аудиторлик ташкилотини белгилаб, бюллетенда овоз беришларини сўради.

Кун тартибининг тўққизинчи масала жамиятнинг Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси О.Х.Қурбанов сўз олиб, Корпоратив бошқарув кодекси бўйича қисқа тушунтириш берди.

Кодекс акциядорлик жамияти бошқарув органлари ишини самарали ташкил этишнинг муҳим йўналишлари бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат эканлиги, Кодекс ҳисобдорлик, очиқлик, ҳаққонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этишни ўз ичига олувчи ва АЖни узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегшили бошқарувнинг асосий принциплари асосида ишлаб чиқилганлигини айтиб ўтди ва Қўқон шаҳар "Деҳқон бозори" АЖда Корпоратив бошқарув кодексини риоя этилиши юзасидан олиб борилган ишлар қониқарли эканлиги, 2026 йил 10 апрель кунги №1-сонли аудиторлик ташкилоти "AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK" МЧЖ (Н.Суяркулов) томонидан 2025 йилда Корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолаш натижаларига кўра "ҚОНИҚАРЛИ" деб эътироф этилиб, хулоса тақдим этилгани йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирилди, шундан кейин жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани овозга қўйди.

Кун тартибининг ўнинчи масала юзасидан йиғилиш раиси О.Х.Қурбанов сўзга чиқиб, жамият бошқарув ижроия органи томонидан жамиятнинг айланма маблағларини шакллантириш мақсадида АТ "Алоқа банк" Қўқон ХҚХКМдан имтиёзли шартларда (уч йил муддатга, йиллик 26%-28% фоизли) 1,5 млрд. сўм миқдоригача (жорий йил давомида)

кредит маблағини жалб қилиш (йирик битим тузиш) учун Кузатув кенгаши аъзолари розилиги сўралгани ҳамда жамият бошқарув ижроия органи томонидан ушбу миқдордаги кредит маблағлари йил давомида жалб қилиниши ва сарф-харажатлар сметаси бўйича чоратадбирлар режа-лойиҳаси билан таништирди.

Музокарага чиққан "YULINTER" МЧЖ вакили ўз нутқида, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ, 84-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида Йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқиши мумкин.

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг элик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади ҳамда 88-моддасининг бешинчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Жамият Кузатув кенгаши томонидан ушбу масала бўйича Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаганлиги ва Кузатув кенгаши қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиш кун тартибига ҳал қилиниши бўйича таклиф киритилганини инobatга олиниб, жамият бошқаруви томонидан режалаштирилган ишларни амалга ошириш учун банк муассасаларидан 1,5 млрд. сўм миқдорида имтиёзли шартларда кредит маблағини жалб қилишда "YULINTER" МЧЖ қарши эканлигини ҳамда юқорида билдирилган қонун талаблари бузилган ҳолда тузилган йирик битим суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлигини билдирди.

Сўнг йиғилиш раиси О.Х.Қурбонов билдирилган фикрларни ҳамда жамият бухгалтерияси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 31.05.2026 йил кунги ҳолатига жамият соф активлари 4.571,3 млн. сўм миқдордалиги, ушбу сумманинг 15%и (4.571,0*15%) 685,0 млн. сўмни ташкил этишини инobatга олиб, (*асосий бюллетенга қўшимча илова киритган ҳолда*), қонун талаблари бузилмаслиги учун жамият бошқаруви томонидан режалаштирилган ишларни амалга ошириш учун банк муассасаларидан 685,0 млн. сўмгача миқдорида имтиёзли шартларда кредит маблағини жалб қилиш ва битим тузиш ҳуқуқи (рухсат) беришда бюллетенларда овоз берилишини сўради.

Йиғилиш раиси О.Х.Қурбонов мазкур масалалар юзасидан киритилган таклифларга бюллетень орқали овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради. Шундан сўнг овоз бериш бошланди.

Овозлар ҳисоблаш учун 10 (ўн) дақиқа танаффус эълон қилинди.

(танаффусдан сўнг)

Ҳақиқий деб топилган бюллетеньлар сони 2 дона, яъни 41.020 та овоз.

Овоз бериш натижалари ҳисобланганда, овозлар қуйидагича тақсимланганлиги маълум бўлди:

Кун тартибининг 1-масаласи бўйича:

"Ёқлайман" – 41.020 та (100%), "Қаршилар" – йўқ, "Бетарафлар" – йўқ.

Кун тартибининг 2-масаласи бўйича:

"Ёқлайман" – 41.020 та (100%), "Қаршилар" – йўқ, "Бетарафлар" – йўқ.

Кун тартибининг 3-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 41.020 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Кун тартибининг 4-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 41.020 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Кун тартибининг 5-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 41.020 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Кун тартибининг 6-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 41.020 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Кун тартибининг 7-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 41.020 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Кун тартибининг 8-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 41.020 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Кун тартибининг 9-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 41.020 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Кун тартибининг 10-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 24.887 та (60,67%), “Қаршилар” – 16.133 та (39,33%), “Бетарафлар” – йўқ.

Йиғилиш раиси акциядорлардан йиғилишни олиб бориш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни сўради. Таклифлар тушмади.

Шу билан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўз ишини тамомлади. Йиғилиш сўнгиди,

**ҚЎҚОН ШАҲАР “ДЕҲҚОН БОЗОРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШИ ҚЎЙИДАГИЧА
ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

- 2025 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботи ва қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин.
- 2025 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.
- 2025 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи тасдиқлансин.
- Ташқи аудитор “AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK” МЧЖ ҳисоботи ва хулосаси тасдиқлансин.
- 2025 йил якуни бўйича жамият соф фойдаси 894 663 970 (саккиз юз тўқсон тўрт миллион олти юз олти миш уч минг тўққиз юз етмиш) сўм қўйидагича тақсимлансин.

Дивидендларга -

50% (447 331 985,0 сўм);

Жамият заҳира фондига -

5% (44 733 198,5 сўм);

Бозорни ривожлантиришга -

45% (402 598 787,0 сўм);

Т/р №	Кўрсаткичлар номи	Акциялар сони	Бир дон акцияга ҳисобланган дивиденд суммаси	Жами ҳисобланган дивиденд суммаси (сўм)	Соф фойданинг фоиз (%) қисмида
1.	Дивиденд тўловига жами бўлиб:	46.825	Ҳар бир оддий акция		

	Реестрга киритилмаган:	1.972	учун 9553,27 сўмдан	447 331 985,0	50,00
Шундан					
1.1.	Қўқон шаҳар ҳокимлиги улуши	24.887	-	237 752 230,5	51,00
1.2.	Қолган акциядорлар улуши	21.938	-	209 579 754,5	49,00
1.3.	Реестрга киритилмаган акциялар бўйича	1.972	-	0,0	0,00
2.	Жамият захира фондига:	-	-	44 733 198,5	5,00
3.	Бозорни ривожлантиришга:	-	-	402 598 787,0	45,00
ЖАМИ:		48.797	-	894 663 970	100,00

6. 2026 йил учун жамият Бизнес-режаси ҳамда даромад ва ҳаражатлар сметаси тасдиқлансин.

7. Жамият Кузатув кенгаш таркибига қуйидаги аъзолар (янги номзодлар куммулятив овоз бериш натижаларига кўра) сайлансин:

Т/б №	Кузатув кенгаши аъзолигига номзод	Иш жойи
1.	Ташпулатов Дилмурод Юсупович	“YULINTER” МЧЖ директори
2.	Қурбанов Отабек Худойшукурович	Қўқон шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари
3.	Мадалиев Хасанжон	Қўқон шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси

8. Жамиятнинг 2026-йил молиявий-хўжалик фаолияти учун ташқи аудиторлик ташкилоти молия хўжалик фаолиятининг молиявий ҳисоботларини миллий стандартлар асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш ва хулоса тақдим этиш учун “AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK” МЧЖ тасдиқлансин ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг миқдорини – 8,0 млн. сўм этиб белгилансин.

9. Қўқон шаҳар “Деҳқон бозори” АЖ фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шакли тасдиқлансин.

10. Жамият томонидан (айланма маблағларини шакллантириш учун) АТ “Алоқа банк” Қўқон ҲҚХКМдан имтиёзли шартларда (уч йил муддатга, йиллик 26%-28% фоизли) 685.000.000 (олти юз саксон беш миллион) сўм (жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизигача бўлган) миқдоригача кредит маблағини жалб қилиш ва битим тузишга рухсат берилсин.

Йиғилиш раиси,
Қўқон шаҳар ҳокимининг
биринчи ўринбосари



О.Х.Қурбонов

Йиғилиш котиби:

М.М.Арипов

Баённома 2026 йил 3 июль куни 2 (икки) нусхада тузилиб, расмийлаштирилди.